O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2003-yil, 20 iyun • № 25 (3706)

# ПРЕЗИДЕНТ САФАРИ



Осмонда Сомон йўли, Туронда Ипак йўли дейишганда, бу ташбеҳ шунчаки маҳобат учун айтилмаганини, аслида амалдаги ҳақиқатга кўра Туркистон ҳудудидан ўтган Ипак йўли ярим дунёни туташтириб турганини, турна қатор карвонлар фақат молу дунё, зеру забаргина эмас, айни маҳалда бир-бирларга илму урфон ва маданият улашганини ҳам англашимиз керак. Араб дунёси ўзига яқин халқларни Ажам дунёси, деб атаганини кўзда тутсак, улар биринчи галда ана шу оламга туркий ва форсий миллатларни мансуб санаган. Демак, Сомон йўлига менгзалган ва довруғи кетган ўша Ипак йўлидан ўтган Эрон карвонларининг салмоғи Буюк Хитой карвонларининг салмоғидан кам бўлмаган.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг куни кеча Эрон Ислом республикасига расмий ташриф буюргани ўша азалий Ипак йўлининг қайта бор жонланаётганини беихтиёр эсга солади. Бу — бежиз эмас, албатта. Икки давлат раҳбари ўртасидаги музокараларни шарҳлаган дунё матбуоти муждаларига кўра, Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги музокараларнинг энг муҳим қисмини транспорт коммуникациялари ташкил этган. Учрашувларда икки томонлама манфаат асосидаги узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Икки давлат ўртасида савдо-сотиқ кўламининг кейинги беш йил ичида тўрт бараварга ошгани бу соҳанинг кенг миқёсларда авж олаётганини ёрқин далиллаб турибди. Айниқса, Термиздан бошланган йўлнинг Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Ҳирот шаҳарлари орқали Эрон ҳудудига туташиши ва Эрондаги мавжуд йўл тизимлари орқали Форс кўрфазига, уммонга туташган бандаргоҳларга уланиш имконининг туғилиши, у тарафдан эса биз томон арзон ва қулай йўлнинг бунёдга келиши ҳақида гап кетганда, Президентимизнинг ана шу ташаббусини Эрон ва Афғонистон раҳбарлари тарихий воқеа сифатида юксак баҳоладилар.

Давлатимиз раҳбарининг Ислом тараққиёт банки (ИТБ) президенти Аҳмад Муҳаммад Али ал-Маданий билан ҳам мулоқотда бўлиб, халқаро коммуникация тармоқларини ривожлантириш борасида фикр алмашгани ҳамда Афғонистон Ўтиш ҳукумати раиси Ҳамид Карзай билан музокара олиб бориб, икки давлат ўртасидаги муносабатларни кўп томонлама ривож топтиришга қаратилган масалаларни муҳокама қилгани ташрифдан кутилган мақсаднинг моҳиятини янада бойитди.

Шу ташриф асносида Президентимиз Ислом Каримов журналистлар билан мулоқотида мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги сағанасини ободонлаштириш юзасидан фикр билдирган эди. Афғонистон бу тадбирга бажону дил хайрихоҳлик билдириб, зарур шарт-шароит яратишга ҳозирлигини изҳор қилди. Теҳрондаги музокарада бу масаланинг четлаб ўтилмагани Президентимизнинг ҳазрат Навоийнинг қутлуғ хотирасига беқиёс эҳтиромининг яна бир олий нишонаси бўлди, дейиш мумкин. Зотан, ўзбек ҳалқининг иродаси ҳам буни тақозо қилади.

Хуллас, Президентимизнинг бу ташрифи иккала давлат ҳамкорлигининг янги босқичи, яъни уфқи, деб баҳоланаётган экан, демак, ҳар бир софдил киши қалбида бу эзгу ниятларнинг ижобат бўлишига астойдил ишонч уйғонади.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИДА

# ҲИРОТ САРИ ЙЎЛ



Баъзан фалакнинг гардиши билан бирон олис шаҳар ё хорижий мамлакатга бориб қолгудек бўлсак, у ердан қайтишимиз биланоқ кўрган-кечирганларимизни оғзимиздан бол томиб қоғозга туширамиз-да, гўё Американи қайтадан кашф қилгандек, у ёки-бу нашрга сафарномамизни кўтариб борамиз. Таҳририятни ҳоли жонига қўймай саёҳатномамизни босиб чиқаришни сўраймиз.

Албатта, бу кўпчилик ўрганиб қолган бир одат. Бироқ олис юртлар таассуротини қоғозга тушираётганда, дафъатан, аввало, ўз юртингни яхши биласанми, унинг сен бормаган, сен кўрмаган манзиллари йўқми, деган фикр ҳам хаёлдан кечади. Кечади-ю, кўп ўтмай ёддан ҳам чиқиб кетади. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек бизни, кўп ҳолларда, олис юртлар сеҳри ўзига чорлайверади.

Менда ҳам шундай бўлган. Ўз юртимиз, ўлкамизнинг кўп жойларини дурустроқ кўрмаган бўлсам-да, бирон олис манзилга бориб қайтгач, таассуротларимни дарров ёзиб чиқаришга ҳаракат қилганман. Лекин яқинда — баҳорнинг қуёш чарақлаб турган гўзал кунларидан бирида Тошгузардан Деҳқонободгача бўлган қирликларни айланиб чиққач, "Шундай узатсанг қўл етгулик жойдаги манзилларни нега шу чоққача кўрмаганман? Наҳотки, она табиатимиз шу қадар гўзал бўлса-я?!" — деб ўз-ўзимга саволлар бердим. Таассуротларимни қоғозга тушираяпману ҳамон шу ҳақда ўйлайман.

**Замин мўъжизалар берару бизга,**
**Эвазига фақат ҳайрат сўрайди.**

Асли бу сафарни кўпдан буён, Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темирйўли қурилиши ҳақида ҳукуматимиз қарори чиққандан буён кўнгилга тугиб келаётган эдим. Ҳатто Учқудуқ — Мискин — Султонувайстоғ — Нукус темирйўлида илк бор юк поездлари қатнай бошлаган чоғда ижодкор дўстларимиз билан "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси ажратган махсус вагонда Учқудуққа, у жойдан бошланган янги темирйўл билан то Нукусгача бориб қайтганимизда ҳам, орадан бир йил ўтиб шу магистралнинг тўлиқ фойдаланишга топширилиши муносабати билан бўлаётган тантана қатнашчилари учун ташкил этилган махсус поезднинг меҳмони сифатида Учқудуқ ва Нукусга иккинчи бор йўл олган кунларимизда ҳам бугунги сафар кўнгилда бир армон бўлиб келаётган эди. Унинг юртимиз баҳорининг энг гўзал даврига тўғри келгани эса, гўё биз учун тақдирнинг ажиб бир туҳфасидай бўлди.

Сафаримиз кўнгилга хуш келганининг яна бир сабаби, Олий Мажлисимизнинг яқинда бўлган сессиясида қўшни афғон юртида абадий макон топган улуғ боболаримиз мақбараларини обод қилиш юзасидан айтилган яхши орзу-ниятлар қалбимизда мавжланиб турганида ҳамдир. Чунки қурилаётган янги йўлнинг бир нуқтаси ўша афғон ҳудудига бориб туташади. Ана шу туташган жойдан йўлнинг Ҳирот сари давом эттирилаётгани эса кўнгилга бемисл ёруғлик таратаётир.

Мамлакатимиз ҳурриятга эришгандан буён, то бугунга қадар афғон тупроғида тинчлик ва осойишталик барқарор бўлишини қанчалар орзу қилиб келдик. Агар у ҳудудда тинчлигу осойишиталик бўлса, боболаримиз турбатларини бемалол зиёрат этишимиз, обод қилишимиз учун кенг йўл очилибгина қолмайди. Президентимиз истиқлолнинг илк кунларидан буён айтиб келаётган эзгу мақсад — Термиз — Ҳирот — Карачи оралиғида халқаро йўл қурилиши, бинобарин мамлакатимиздан Ҳинд океанига тўғридан-тўғри чиқиш учун ҳам катта имконият яратилган бўлур эди. Марказий Осиёни Ҳинд уммони билан боғловчи бу йўлнинг қуриб ишга туширилиши дунё иқтисодиётида муҳим бурилиш ясабгина қолмай, ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятининг мисли кўрилмаган даражада равнақ топиши учун катта имкониятлар эшигини очажаги бугун ҳаммага аён.

Шу сабабданми ёки кўнглимизда бир ажиб ҳис уйғондими, ҳарқалай биз, Қаршидаги темирйўл идораси олдида шу темирйўл қурилиши учун ажратилган япянги "УАЗ"да Тошгузар — Деҳқонобод трассаси сари йўл олаётиб, бунёдкорлик ишларини кўрсатишга бел боғлаган ҳамроҳимиз Алишербекка:

— Кетдик, Ҳиротга! — дедик.

— Қаёққа деяпсиз? Ҳиротда нима қиламиз?

— Мир Алишер бобонгизнинг турбатларини зиёрат қилиб келамиз-да!..

— Э-ҳа, шундай демайсизми?! — деди Алишербек бизнинг мутойибамизга жавобан. Сўнг кулиб деди: — Борсак, бораверамиз-да!

— Унда мана бу йўлни тезроқ битказинг. Ҳирот йўлини ҳам ўзингиз қурасиз, — дедик. У завқланиб кулди.

— Э, ака, айтганингиз келсин. Илоё Худо ўша кунларга етказсин! Йўл қуришни бизга қўйиб беринг-да. Жаҳонни қойил қолдирамиз. Аслида ўша Учқудуқ — Нукус йўлини ҳам ўзимиз қурганмиз. Ўша йўлсозларнинг ҳаммаси ҳозир биз бораётган янги трассада ишлашаяпти. Кўпларини таниб қолишингиз ҳам мумкин.

Шундай яхши ният билан Ҳиротга, э, кечирасиз, ҳозирча Тошгузару Деҳқонобод томон елиб кетдик.

**Давоми иккинчи бетда.**

**Абдулла ОРИПОВ:**

# ЯПОНЛАР ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ

**Юртимизнинг хорижий мамлакатлар, жумладан, Япония билан ҳар томонлама алоқалари йил сайин кенгайиб бораётир. Иқтисодий, илм-фан соҳасида тобора мустаҳкамланиб бораётган алоқалар қаторида ҳар икки давлат ўртасидаги адабий-маърифий ришталар ҳам кенг йўлга қўйилаётгани қувонарлидир.**

**«Япония жамғармаси»нинг таклифига биноан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов Кунчиқар юртга сафар қилди. Сафар арафасида у ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Биз, Шарқ одамлари бир-биримизни тушуниш, бир-биримиз билан борди-келди қилиш учун илгарилари учинчи давлатга «салом» бериб ўтишга мажбур эдик. Масалан, Ҳиндистон, Хитой ёки Японияга борадиган йўлимиз ҳам Москвадан ўтарди ва ҳоказо.

Истиқлол шарофати ўлароқ, биз бутун жаҳон билан ҳамқадаммиз. Юртимизнинг тарихини, маданиятини ўрганишга бутун дунёда интилиш кучли. Япон халқида эса бундай қизиқиш яна ҳам катта. Биргина мисол, Сурхондарёнинг Фаёзтепа, Қоратепасидаги ноёб, илдизлари минг йилларга бориб тақалувчи буддавийлик динига оид тарихий ашёлар Кунчиқар юрт кишиларида катта қизиқиш уйғотган.

Японларнинг урф-одати, анъаналари, турмуш тарзи ўзбекларникига жуда ўхшаб кетади. Кунчиқар юрт халқи ўзининг фавқулодда истеъдоди, тиришқоқлиги билан жаҳонни лол қолдирмоқда. Мен япон адиблари билан суҳбатда Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларимиз замонавий илм-фанга асос солганини қайта-қайта ҳайрат билан эътироф этганларининг кўп бор гувоҳи бўлганман. Бундан, албатта, ҳар бирus — ҳар биримизнинг юрагимиз фахрга тўлиши табиий. Лекин фақатгина ўтган боболаримизнинг обрўси билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Бугун ўғил-қизларимиз мустақил юртнинг фарзанди сифатида дунёнинг энг илғор давлатлари, жумладан, Японияда таълим олиб, малака ошириб, ишлаб қайтмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси ҳозирнинг ўзидаёқ кўзга ташланмоқда. Юртимизда япон тилини пухта ўргатувчи кўплаб илм даргоҳлари фаолият олиб бормоқда. Тошкентда муаззам Япон боғи барпо этилди. Ўзбекистон жаҳоннинг илғор давлатлари қаторидан жой олишга интилаётган экан, бу ўринда Япониянинг тажрибаси, босиб ўтган тараққиёт йўли намуна бўлишга арзийди.

Энди бевосита адабиётимиз хусусида гапирсак, япон ижодкорларининг кўплаб роман, қисса, шеърлари она тилимизга таржима қилинган. Икки халқнинг дунёни таниши, уни бадиий образларда ифода этиш усуллари деярли ўхшаш. Японлар гўзалликни ниҳоятда нозик тушунадиган ва уни ана ўшандай гўзал ҳолатда шеърга тушира биладиган халқ.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳонда тобора эътибор қозонмоқда. Буни таъминлаётган санъат, спорт каби омиллар анчагина. Ўзбек адабиётида ҳам жаҳонга тарғиб этишга арзигулик жиҳатлар кўп.

Кейинги йилларда бадиий асарлар она тилимизга инглиз, немис, француз, ҳинд, япон тилларидан бевосита таржима қилинмоқда. Ўз навбатида, ўзбек адибларининг кўплаб асарлари хорижда нашр этилмоқда. Ўзбекистоннинг бугунги халқаро нуфузи туфайли хорижда мамлакатимиздаги адабий жараёнга ҳам қизиқиш тобора кучаймоқда. Адабий алоқаларни янада ривожлантириш турли мамлакатлар ижодкорлари билан ҳамкорлик ришталарини йўлга қўйиш пайти келганлигини, бундай хайрли ва масъулиятли ишларга давлатимиз раҳбари катта эътибор бераётгани диққатга лойиқ. Бу масъулиятли вазифани бажаришга кўмаклашиш мақсадида уюшмамизда Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши тузилган. Бу эса халқаро адабий алоқаларни янада ривожлантиришга, соҳадаги ишларни мунтазам ва изчил йўлга қўйишга имкон яратади.

Ўзбек адиблари япон адиблари ижодидан яхши хабардор. Нашриётларимиздан олинган маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда Ўзбекистонда япон адибларининг асарлари 24 марта китоб ҳолида нашр этилган. Улар орасида Кобо Абэ романларидан тортиб, япон шеърияти намуналаригача бор. Ойбек, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов сингари адибларимиз ижодларида Япония мавзуси акс этган асарлар кўп. Айни чоғда, япон олими Эйжи Мано «Бобурнома»ни япон тилига таржима қилиб, изоҳлари билан нашр этди. Комацу Итару ўзбекча-японча луғат тузди. Яна бир япон олими Кумацу Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижоди бўйича тадқиқот олиб бормоқда. Кўпгина япон олимлари Ўзбекистонда илмий, назарий тадқиқотларини давом эттирмоқдалар. Президентимизнинг бевосита эътиборлари туфайли япон археолог олими Кюдзо Като мамлакатимизнинг юксак нишони — «Дўстлик» орденига сазовор бўлди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Сафаримиз асносида Японияда зиёлилар, олимлар, ёзувчилар билан мулоқотлар, олий ўқув юртларида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилади. Япон халқи ўзбек халқининг ҳурмат-эътиборини юксак қадрлайди, кўҳна ва бой тарихимиз, маданиятимиз каби адабиётимизга ҳам чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан ёндашади. Сафар мобайнида кўпроқ миллий адабиётимиз, айниқса, мустақиллик даври адабиёти билан Кунчиқар юрт ихлосмандларини таништириш ниятидамиз. Ўз навбатида, мазкур мамлакат адибларининг мурод-мақсадлари нималардан иборат, улар инсон феъл-атворининг қайси жиҳатларини таҳлил этаётирлар, замонавий адабиётда қандай анъана ва тамойиллар бор, деган саволлар туғилади. Албатта, шу саволларга жавоб топиб, уларни адибларимизга ва кенг китобхонларимизга етказсак, фойдадан холи бўлмайди.

**ЎзА мухбири**
**Назокат УСМОНОВА ёзиб олди**

# ДИЛЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Ёш истеъдодларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган турли мукофотлар, кўрик-танловлар ёшларнинг санъатга бўлган меҳрини оширмоқда. Бу борада "Ўзбекистон — Ватаним маним" республика қўшиқ байрами ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кўрик танловнинг Тошкент вилояти бўйича якунловчи босқичи Миллий академик театр биносида бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги ва "Обод маҳалла йили"га бағишлаб ўтказилган бу тадбирда вилоят шаҳар ва туманларидан саралаб олинган ўттиздан ортиқ иштирокчи қатнашди. Бўка тумани вакили Акмал Кенжаев ўзининг "Болалар кулсин" қўшиғи билан биринчиликни қўлга киритди ва август ойи охирида ўтказиладиган Республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўринга Олмалиқ шаҳрининг "Жилға" болалар ашула ва рақс дастаси, Ангрен шаҳридан Азиза Абдуллаева ва Олмалиқ шаҳри вакили Алишер Ҳалилов муносиб деб топилди. Учинчи ўрин қибрайлик Мирижод Миркомилов, Ангрен шаҳридан Наргиза Қаршибоева, Чиноз тумани вакиллари Цой Элизавета ва Алижон Бакиров ижро этган дуэтга ва ангренлик Анвар Тошматовга насиб этди.

**Ҳулкар МАМИТОВА**

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

# ИЖОДИЙ ҲИСОБОТ

Шоирларни қалб таржимони дейишади. Унинг юрагини рангин туйғулар, ҳаётий кузатишлар ва хаёлот парвозининг маҳсули титратади, ёзмоққа даъват этади.

12 июн куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли шоира, Бердақ номидаги давлат мукофоти совриндори Гулистон Матёқубованинг "Излаганларим" ва "Муҳаббат юрти" китоблари тақдимоти бўлди.

— Ҳақиқий шоирнинг юраги шеърларида акс этади. Юраги тоза бўлмаган одамдан ижодкор чиқмайди, — деди Эркин Аъзам шоиранинг ижоди ҳақида фикр билдириб. — Гулистон Матёқубова юраги тоза ижодкор. Унинг ёзганларида дард бор, руҳ бор. Яқинда "Тафаккур" журналининг бир сонида шоиранинг "Қайтмоқ учун кетмоқдаман" деб номланган мақоласини эълон қилдик. Мақолани ўқисангиз шоира қаламни ўйнатиб, жўшиб, маҳорат билан ёзишига яна бир карра гувоҳ бўласиз. Муҳими, унинг қаламида қалби акс этиб турибди...

Сирожиддин Саййид, Омон Матжон, Жуманиёз Жабборов, Усмон Азим, Қутлибека Раҳимбоевалар сўзга чиқиб китобхонларга тақдим этилаётган янги китобларнинг мажозий фалсафаси ҳамда қорақалпоқ — қадим Турон юртининг фарзанди Гулистон Матёқубова ижод йўли ҳақида фикр юритишди. Шунингдек, йиғилганлар қорақалпоқ адабий муҳитидаги ижобий ўзгаришлар, Элликқалъада ўтказилаётган анъанавий шеърият байрамлари хусусида ҳам фикр билдиришди.

Таниқли шоиранинг ижодий ҳисоботи тарзида ўтган тақдимотни Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева бошқарди.




Ёзувчилар уюшмасида истеъдодли ёш шоира Озода Тўрақулованинг "Ёмғир товуши" китоби тақдимоти бўлди. Китоб уюшманинг "Адабиёт жамғармаси" нашриётида чоп этилган. Унга шоир Рустам Мусурмон муҳаррирлик қилган.

# МАЙСАЛАР ОҲАНГИ

Тақдимотда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим китоб ҳақида фикр юритаркан: "Шеър дард билан туғилади, лекин ўзини дардлидай кўрсатиб шеър ёзган одам ҳақиқий шоир эмас", деди. Сўзга чиққан бошқа ижодкорлар тилида ҳам "ҳақиқий шеър", "ҳақиқий шоир", деган сўзлар қайта-қайта такрорланди. Мен бунинг изоҳини яна Усмон Азимнинг:

— Озоданинг ҳамма шеърларини бусбутун деёлмайман, лекин унинг ҳар бир шеърида зоҳир бўлган мағизли мисралари унинг ўзини ҳақиқий шоирлик остонасида турганлигидан дарак бераётир. Мен унга бу остонадан ичкарига эсономон кириб олишини тилайман — деб айтган сўзларидан илғадим.

— Озоданинг сунбула сувларидек мусаффо, тоза туйғули шеърлари китобхонга, албатта, манзур бўлади, — деди Рустам Мусурмон. — У майсалардан оҳанг, бўзтўрғайдан савт, ёмғирдан титроқ олиб ёзганки, бундай шеърларга эътиборсиз бўлиш жуда қийин.

Тақдимотни Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид бошқарди. Шоирлар — Қутлибека, Эшқобил Шукур, Нигора Усмонова, Фарида Афрўз, Зебо Мирзаева ҳам шоирани янги китоби билан чин дилдан қутладилар.

**Саййид ОЛИМ**

# БУЮК АЖДОДЛАР ИБРАТИ

Шарқ мутафаккирлари доим инсонни улуғлаб, кўкка кўтариб, тенглик, тинч-тотув яшаш ғояларини тарғиб этиб келганлар. "Иккинчи муаллим" унвонига сазовор бўлган буюк файлусуф Форобий Афлотун қарашларини ривожлантириб, инсон бахтиёр ва тинч ҳаёт кечириши учун қандай жамиятда яшаши керак, деган саволга жавоб қидириб, "Фозил одамлар шаҳри" номли асарини ёзган. Форобийнинг фикрича, такомиллашган ва руҳоний фазилатларга эга бўлган бир жамиятда инсонларнинг тенг ва бахтиёр яшаши таъминланиши мумкин. Шайх Саъдий "Гулистон" асарида қисса ва ҳикоялар орқали инсонларга нисбатан самимий муносабатда бўлиб, мазлумларни ҳимоя қилиб, зўравонларга қарши фикр билдирган. Ҳазрат Алишер Навоий эса инсонпарварлик ғояларини тараннум этишда улуғ маънавий мерос қолдирган. "Ҳайрат ул-аброр" асарида у барча инсонларни бирлик ва дўстликка чақириб, олам аҳлига бундай хитоб этади:

**Олам аҳли билингизким иш эмас душманлиғ,**
**Ёр ўлунг бир-бирингизгаким эрур ёрлиғ иш.**

Зотан, биз ҳуқуқий демократик давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бораётган эканмиз, демак, улуғ бобокалонимизнинг давлатчилик борасидаги сабоғи — адолат ва ҳақиқат тантанасига, юксак маънавият равнақига эришиш ҳамда маънавий баркамол жамият бунёд этиш қоидалари бизнинг давлатимиз учун ибрат ва намунадир. Ҳурфикрлик, фуқаролар онги ва тафаккурида бунёдкорлик, ижодкорлик, истиқбол учун курашиш туйғусини шакллантириш инсонпарвар жамиятнинг олий фазилатидир.

**Отабек НАРЗИЕВ, ТДЮИ талабаси**

## ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА...




"Ёшлик" журналининг шу йилги иккинчи сони таниқли ёзувчи ва публицист Ғаффор Ҳотамовнинг суҳбати билан очилади. "Фарзандлар нигоҳидаги туйғу" сарлавҳаси остида бу дилкаш суҳбат мамлакатимизда рўй бераётган бугунги иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар, бадиий ижод сир-асрорлари, бугунги адабий жараён, инсоний фазилатлар ҳақида.

"Назм" рукнида сиз шоир Азим Суюннинг "Эй дўст" туркумидан янги бешликларни ўқийсиз. Баҳром Рўзимуҳаммаднинг "Ишни не дейдилар она тилингда..." сарлавҳали янги шеърлари, Ориф Тўхташ, Сулаймон Шодиев, Гули Нигор Авазова ижодидан намуналар билан ҳам журналнинг мазкур сонида танишасиз.

Адабиётшунос Ваҳоб Раҳмоновнинг "Биринчи ғишт қийшиқ қўйилса..." мақоласи матншунослик муаммоларига бағишланган бўлса, С.Ёмғированинг мақоласи Н.Норқобиловнинг "Овул оралаган бўри" қиссаси ҳақида.

Атоқли олим Иззат Султон қаламига мансуб "Янги одамлар" драмаси журнал мундарижасига алоҳида салмоқ бағишлаган. Шунингдек, ушбу сонда Абдуқаюм Йўлдошевнинг "Залолат" номли қиссаси, Собир Ўнарнинг "Чамбилбелнинг ойдаласи" қиссаси давоми эътиборингизга ҳавола этилган.

3

# ЎЧМАС НОМЛАР

Ўзбек халқининг номини, шуҳратини бутун дунёга ёйган улуғ сиймолари кўп. "Шарқ булбули" деб миллионлар томонидан тан олинган беназир санъаткор Ҳалима Носирова миллий маданиятимиз тарихида ўчмас излар қолдирган ана шундай инсондир. Бу буюк санъаткор XX аср ўзбек ҳаётида тенгсиз сеҳрли овози билан халқ қалбидан чуқур жой олди. У ўзбек мусиқали театри, миллий операмизнинг пайдо бўлиши ва тараққий топишида тарихий хизматлар кўрсатди. Шуларни ҳисобга олиб яқинда Вазирлар Маҳкамасининг маъмурий-ҳудудий бирликлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш масалалари бўйича республика комиссиясининг мажлиси қарорига биноан Янгийўл шаҳар маданият уйига ва Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидаги Малиновский кўчасига Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотлари лауреати Ҳалима Носирова номи берилди.

Яна Республика комиссиясининг мажлиси қарорига биноан Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги номсиз кўча буюк актёр, Давлат мукофоти лауреати Асад Исматов номи билан аталадиган бўлди. Ўзбекистон халқ артисти, ўзбек миллий рақс санъати ривожига катта ҳисса қўшган рақс санъати устаси Исоҳор Оқилов номи эса Фарғона "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмасининг "Фантазия" рақс театрига берилди.




Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири

# МАСРУР ХОТИРАЛАР

Ўтган асрнинг 60-йилларида жамиятга озгина "илиқ"лик кирди. Сталин ва унинг ҳамтовоқлари танқид остига олингач, бутун собиқ Иттифоқ бўйлаб бир қур демократик эпкин эсиб ўтгандай бўлди. Адабиётда ажабтовур жонланиш бошланди. Айнан адабиётдаги жонланишлар тоталитар тузум раҳнамоларининг тағин ғашини қўзғади. Ҳатто, айтиш мумкинки, чўчитиб юборди. Улар яна ҳамма ёқни, ҳамма соҳани темир чангалларига олишга киришдилар.



Худди шу даврда ўзбек адабиёти ҳам ажиб бир янгиланишни, ажиб бир юксалишни бошидан кечирганди. А.Орипов, Ў.Ҳошимов, О.Матжон, Ш.Холмирзаев, Ў.Умарбеков каби истеъдодли қаламкашларнинг пайдо бўлиши адабиётимиз бўстонига тоза, муаттар бўй олиб кирганди. Худди шу йиллардаёқ ёш, дадил ижодкорларнинг асарларини чоп этиш учун янги бир нашрга, янги бир журналга эҳтиёж сезгандик. Ниҳоят, республика раҳбарларига ниятимизни билдирдик. Бироқ ҳамма масалалар барибир марказда, Москвада ҳал бўларди. Бизнинг орзуимиз, хоҳиш-иродамиз анча пайтгача эътиборсиз қолиб кетди. Лекин биз чекинмай янги бир нашрни ташкил этиш учун баҳоли қудрат курашиб юравердик. Ниҳоят, 80-йилларга келиб орзуимиз ушалгандай бўлди. "Ёшлик", деб аталадиган журналимизга рухсат олдик. Ҳа, фақатгина рухсат олдик. Ҳали ҳеч ким, ҳеч бир ташкилот келажаги номаълум бўлиб турган янги нашрга моддий кўмак беришни, ўз "паноҳига" олишни истамас эди. Ўша кезлар мен Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш бўлимида бош-қош эдим. Шу сабаб бўлдими ё янги нашр ташкил этиш борасида андаккина кўп гапириб юборганим бўлдими, ҳар қалай, номидан бошқа ҳеч вақоси йўқ "Ёшлик" журналига мени бош муҳаррир этиб тайинлаб қўйишди. Иш, ташвиш бошланиб кетди. Аввалига таҳририятимиз Ёзувчилар уюшмасининг яккаю ягона мажлислар залига муваққат жойлашди. Нечоғлик илҳом билан ишлаб ўтирган бўлишимизга қарамай, бирор-бир мажлис ё йиғин бошлангудек бўлиб қолса секингина таҳририятни, яъни мажлислар залини бўшатиб қўярдик. Шу алфозда бир йилдан зиёд фаолият кўрсатдик. Сўнг, "журналлар корпуси", деб аталадиган маълум ва машҳур бинога бир амаллаб кўчдик. Ялиниб-ёлвориб, гоҳ у раҳбарнинг, гоҳ бу раҳбарнинг тинчини бузавериб, охири, ҳар бир қаватдан битта-биттадан хона ундирдик. Арзимаган маслаҳат, майда-чуйда топшириқлар учун ҳам қаватлар аро бўзчининг мокисидек қатнашимиз бошланди.

"Ёшлик" журнали мунтазам ҳар ойда чиқа бошлади. Шароитнинг ноқулайлигига, мафкуравий раҳбарларнинг зуғумларига қарамай илҳому завқ-шавқ билан ишлардик. Мен журналнинг бош муҳаррири сифатида, албатта, унинг ҳар соҳада рисоладагидеккина бўлишига жавобгар эдим. Аммо мен янги нашр атрофига янги талантларни, санъаткорона бадиият пардасига ўраб, исёнкорона, дадил фикрларни, ғояларни ўртага ташлай оладиган ижодкорларни йиғишни истардим. Баҳоли қудрат шу ниятимга етишдим, деб бемалол айтишим ҳам мумкин. У.Азимов, Х.Султонов, Э.Аъзамов, М.Муҳаммад Дўст, Ш.Раҳмон, Х.Даврон каби ҳурфикр, истеъдодли ёшлар "Ёшлик" журналининг мактабидан ўтган, илк асарларини шу нашр саҳифаларида чоп эттириб эл-юрт назарига тушган, десак муболаға бўлмас. Бироқ бу ёш, дадил сўзли қаламкашларнинг ҳар бир қораламасини "Ёшлик" журнали саҳифаларига олиб чиқиш осон кечмади. Матбуот цензураси, мафкуравий раҳбарлар асабларимизни бузиб, қонимизни ичарди. Ўшандай "ғоявий ясовул"лардан бири менга бот-бот такрорларди: "Ўртоқ Воҳидов, мен кўпроқ сизни ўйлаяпман, менга азиз бошингизнинг омонлиги керак. Сиз яхши шоирсиз..."

Албатта, бу хил таъкидларда меҳрибончиликлардан кўра таҳдид, айёрлик устунлиги яққол сезилиб турарди.

Лекин мен бир ижодкор сифатида, рост сўзни, гўзал бадиий сўзни қадрловчи бир қаламкаш сифатида улар хоҳлагандай журнал қилишни истамасдим. Ўша даврнинг таомилига кўра чоп этилиши кўзланаётган материалнинг икки жойига имзо чекиб бутун жавобгарликни ўз бўйнимга олардим. Журналнинг ҳар бир чиқиши гўзал, бадиий пишиқ, исёнкор руҳли асарларга бой бўлиб бораётганини кўриб қувонардим.

Ниҳоят, "Ёшлик" журнали эл-юрт севиб ўқийдиган, сондан-сонгача орзиқиб кутадиган, ғоят катта ададли нашрга айланди.

Мана, севимли журнал бугун йигирма баҳорни қаршилабди. Мен истардимки, "Ёшлик" журнали ўз ўқувчилари юрагида ҳамиша ёшликдек завқ-шавқ, илҳом бағишлаб юраверсин.

Абдулла ОРИПОВ,
Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон қаҳрамони.

# МУНОСИБ КЎМАКЧИ



Мустақилликдан ўн йил аввал мазкур журнални юзага келтириш осон иш бўлмагани маълум гап. Сабаби ўшанда собиқ мустабид тузум айни куч-қудратга тўлган, шўро мафкураси ҳар тарафдан ажриқдай қисиб турган ва айни чоғда уларнинг назарида Ўзбекистондай мундайроқ республикада тағин бир нашр очиб, унинг оғзига пойлоқчилик қилиб туриш ёқимсиз иш бўлгани ҳам табиий бир ҳол эди. "Ёшлик" журнали дунё юзини кўргач, унга элимизнинг ардоқли шоири Эркин Воҳидов муҳаррирлик қилди. Журнал қисқа фурсатда ўқувчилар кўнглини забт этди, адабиёт мухлисларининг севимли нашрига айланди. Илғор фикрли шоиру ёзувчилар ўз асарлари орқали собиқ мустабид тузумга гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора қарши эканликларини изҳор этишарди. Бошқа талай нашрлар сингари "Ёшлик" ҳам эл-юртимиз зор-интизор кутган истиқлол йўлида қўлидан келганча камарбаста эканини билдириб турди. Ўтган аср 80-йилларининг охири, 90-йилларнинг бошида журнал саҳифаларида жасоратли чиқишлар бўлганига ҳам гувоҳмиз.

"Ёшлик" аввалдан савияси баланд, сўз санъатини қадрловчи, талабчан журнал бўлганидан унча-мунча ижодкор унинг назарига тушавермасди. Ҳозирги муваққат иқтисодий қийинчиликларга қарамай у ўз обрўсини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Мустақиллик йилларида ёш адиб Тўхтамурод Рустамнинг "Капалаклар ўйини", Уйғун Рўзиевнинг "Атиргул", Исмоил Шомуроднинг "Икки изқувар" романларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди.

Президентимизнинг ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиблари Гулжамол Асқарова, Гулчеҳра Зокироваларнинг ҳам дастлабки шеърлари ушбу журнал саҳифаларида эълон қилинган эди. Ёзувчилар уюшмаси ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳар йили Жиззахнинг сўлим гўшасида ўтказиладиган анъанавий Зомин семинарида кўплаб ёш истеъдодлар кашф этилади. Табиийки, уларнинг ҳам номлари даставвал шу журнал орқали кўринади.

Давлатимиз, хусусан, Президентимиз ҳозирги "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилганда унинг зиммасига бениҳоя ижтимоий вазифалар юклаш билан бирга етарли иқтисодий имкониятлар ҳам берган эди. Шу боис нафақат бошқаларнинг, ёшларнинг ҳам маънавий мулки ҳисобланмиш "Ёшлик" журналига "Камолот"нинг ҳам эътибори керак эканини кези келганда тағин эслатиб қўйяйин. "Камолот"нинг зукко раҳбарлари бундан бошқа маънавий масалаларда, мустақилликни мустаҳкамлашдек умумий юмушимизда ёзувчилар билан камарбаста бўлишса фойдадан холи бўлмайди. Зеро, улуғ ишда ёзувчилар ва ёшлар бошқа-бошқа юмушни амалга ошираётганлари йўқ, ватан равнақига ҳисса қўшиш ҳаммамизнинг бирдай бурчимиздир.

Журнални йигирма ёши билан барча уюшма аъзолари номидан самимий қутлайман. Юртимизда ижод этаётган ижодкорларнинг энг сара асарларини ўз саҳифаларида мунтазам ёритиб, барчамиз интилаётган буюк ишимизда муносиб кўмакдош бўлиб юрсин, деймаn.

Аслида ҳеч бир нашрнинг обрўйини унинг ёши белгиламайди. Шундай эса-да, ҳар бир газета ёки журнал ташкил бўлганига фалон йил тўлибди деса, унинг ашаддий ўқувчиси худди бир яқин одамининг туғилган кунини эшитгандай ширин энтикади, ҳаяжонланади.

Бугун ҳам "Ёшлик"нинг асл мухлисларига, садоқатли муаллифларига унинг 20 ёшга тўлганини бирров эслатиб қўймоқчимиз.

Ҳа, азиз ва қадрдон журналимиз бугун нақ 20 ёшга кирди! Навқирон ёш!

Йигирма йил ичида журнал ўзининг юзлаб муаллифларига эга бўлди. Балки минглаб янги номларни кашф этгандир. Бу рақамнинг катталиги унчалик муҳим эмас. Адабиёт сон-саноқни, китобларнинг семизлигини эмас, асл истеъдодни, садоқатни, чидам-сабот, илмни хуш кўради.

Шу маънода "Ёшлик" журнали чин адабиётга қадрдон бўлиб яшади, ҳар қандай қийин иқтисодий шарт-шароитларда ҳам унга бевафолик қилмади.

Фақат истеъдод билан битилган шеър, достон, ҳикоя, қисса, ромaнгина адабиётнинг жон томири эканини ҳис этиб яшади.

Журналга даставвал элимизнинг суюкли шоири Эркин Воҳидов раҳбарлик қилди. Ўша даврда шу нашр орқали Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Хайриддин Султонов, Ғаффор Ҳотамов, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Нормурод Норқобилов, Набижон Боқий, Нурулло

Собир ЎНАР

# НАВҚИРОНЛИК

Отахонов сингари ёзувчиларимиз, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Икром Отамурод, Муҳаммад Раҳмон, Азим Суюн, Йўлдош Эшбек, Сулаймон Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Мирзо Кенжабек, Тилак Жўра ва бошқа қатор ўтнафас шоирларимиз довруғ таратишди.

Замонавий ўзбек насри мулкига айланган "Галатепага қайтиш", "От кишнаган оқшом", "Саодат соҳили", "Ёзнинг ёлғиз ёдгори", "Қудуқ тепасидаги ой" каби асарлар дунё юзини кўрди.

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон халқнинг руҳиятида мустақилликка бўлган интилиш, ҳаракатлар кучайган даврда бош муҳаррир бўлди. Журнал адади 400 минг нусхагача кўтарилди.

Гарчи асарларда публицистик руҳ кучайган бўлса-да, халқнинг тил, эътиқод, давлат суверенитети тўғрисидаги дарди фикрнинг ошкора минбарига айланди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик, сўнгра истеъдодли адиб Ғаффор Ҳотамовлар муҳаррирлик қилишди. Бу йилларда ҳам журнал мундарижаси бойиди, мазмунан янги рукнлар пайдо бўлди.

Мустақиллик барча нашрлар қатори "Ёшлик" учун ҳам ҳар жиҳатдан қонуний ҳуқуқлар берди. Иқтисодий жиҳатдан ҳам эркинликка эришилди. Ғоявий тазйиқ, кўрсатмалардан холи бўлди. Бугун журнал мустақил Ўзбекистон давлати қонунлари мустаҳкамлаб берган барча ҳуқуқлардан тўла фойдаланиб яшамоқда. У адабиётимизнинг янги вакиллари майдонга чиқиши учун каттакон бир дарбоза вазифасини бажарди ва бажаряпти.

Навқирон носирларимиз Шойим Бўтаев, Назар Эшонқул, Тўхтамурод Рустамов, Абдуқаюм Йўлдошев, Қўчқор Норқобил, Шодиқул Ҳамроев, Уйғун Рўзиев, Исажон Султонов, Луқмон Бўрихон, Зулфия Қуролбой қизи, Баҳром Рўзимуҳаммад, Чоршаъм, Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Аъзам Ўктам, Равшан Файз, Зулфия Мўминова, Абдул Жалил, Азиз Саид, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаева, Фахриёр, қолаверса, Гулжамол Асқарова, Хосият Рустамова каби шоиру шоираларимиз ижодини халққа таништиришда асосий минбарлардан бири бўлди.

Адабиёт боғи нақадар гўзал бўстон бўлгани билан у ўзига мудом анвойи гуллар излайди. Топади ва... йўқотади ҳам. Бугун биз мазкур журналнинг бир вақтлар шеърият бўлимини бошқариб ўз ҳиссаларини қўшган Шавкат Раҳмон ва Равшан Файз, бу бўстонда мушк-анбар бўйларини тарата туриб тўсатдан сўлган гуллар: Муҳаммад Юсуф, Тилак Жўра, Аъзам Ўктам, Чори Аваз, Ҳамза Имонбердиев сингари муаллифларимиз руҳлари қошида бош эгамиз, жойлари жаннатдан бўлсин деймиз.

"Ёшлик" бундан буён ҳам ёшлар ижодининг камол топишига, алал-оқибат адабиёт равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Одил ЁҚУБОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# ЁЗАР ГАЛИНГ КЕЛДИ

"Ёшлик" журналининг таъсис этилиш жараёни кечагидай эсимда. Шўро замони эди, Москванинг қовоғидан қор ёғиб турар, улардан мафкурага таааллуқли бирор нашр чоп этиш учун рухсат олиш, бу — турган-битгани ғурбат эди. Ахир, бунинг учун ҳам шахсан "генсек"нинг рухсати керак эди-да.

Аммо, айтишим жоиз, бу журналнинг дунёга келиши нафақат ўзбек адиб-шоирлари, балки бутун халқимиз ҳаётида чинакам воқеа эди. У халқ орасига тез сингишди, кўп ўтмай юз минглаб нусхада чиқа бошлади. Эҳ-ҳе, бу журнал 20 йилдан бу ёғи қанчадан-қанча ёш шоиру ёзувчиларни танитиб улгурмади, дейсиз. Ўшанда қисса, ҳикоялари чиқа бошлаган ҳаваскор ёзувчиларнинг кўпи бугун каттакон адиб, илк шеърларини елиб-югуриб чоп эттиролмай юрганларнинг қанчаси ардоқли шоир. Фақат уларгина эмас, бизнинг ёшимиздаги адиблар ҳам шу журнал саҳифаларида асаримиз чиқишини, муносиб асар ёзишни астойдил хоҳлар эдик. Албатта, бу журналда халқимизнинг ардоқли шоир ва ёзувчилари муҳаррир бўлдилар. Журнал кекса авлод вакилларининг ҳеч бирини зинҳор эътиборсиз қолдирган эмас. Айтмоқчиманки, мазкур нашр ёш адиблар асарларидан ташқари жаҳон адабиётининг энг сара намуналари, қардошларимиз асарлари қаторида бизлардан ҳам устоз деб асар сўраб туришди. Бу анъана ҳозиргача давом этиб келаётгани биз мўйсафидларнинг кўнглимизни тоғдек юксалтиради.



Мен айтаётган ўтган замонларда цензура, шўро идеологияси деган балоларнинг таъсири шу даражада эдики, бемалол айтишим мумкин, жуда кўп истеъдодларнинг бошини еди, жуда бўлмаганда ўзининг йўриғидаги гапларни айттириб, талантини юзага чиқармади, тўтиқушдай хонаки ижодкорга айлантириб, эркин фикрлашга изн бермади. Шу қатори "Ёшлик" ҳам ўша цензуранинг қутқусида яшаган бўлса-да, халқнинг меҳрига сазовор бўлган кўплаб асарларни йўлини қилиб ўқувчилар ҳукмига етказиб келди.

Мустақилликдан сўнг юзлаб нашрлар пайдо бўлди. Булар ичида маънавиятга, жумладан адабиётга бағишланганлари ҳам мавжуд. Аммо бари бир "Ёшлик" журналининг алоҳида ўрни бор. Арзон-гаров, олди-қочди гапларни сотиб кун кўрувчи газеталарга қараб туриб, гарчи иқтисоди бақувват бўлмаса-да, "Ёшлик"ни баландроқ кўраман. Чунки адабиётни севадиган ўқувчи жоҳил бўлмайди, маънавий бойликка интилувчан бўлади. Тобора китобхонлар сони камайиб бораётган мураккаб жараёнда "Ёшлик"нинг ўқувчилари ўн минглаб бўлишини хоҳлайман.

Энди адабиётга таъқиб, тазйиқ йўқ. Ёзувчиман, шоирман деғани, мана, энди ёзсин, ўзини кўрсатсин. Бу йўлда журналнинг заҳматкаш ходимларига ҳам куч-қувват, сабот ва ғайрат тилайман.

Омон МАТЖОН

# ҲАРКИ МАВҚЕГА, ЮРТИМ, СЕН БОИС САЗОВОРМАН!



**ЭЪТИҚОД**

**Оллоҳ деганим Севги,**
**Оллоҳ деганим Ёғду.**
**Овозим лаҳза-тўлқин,**
**Акси-садоси Мангу.**

**Оллоҳ деганим Уммон,**
**Оллоҳ деганим зарра.**
**Жисмимда гўдак бўзлар,**
**Руҳимда етук баҳра.**

**Оллоҳ деганим Борлиқ,**
**Оллоҳ мовий қалдироқ.**
**Ошкора оҳларимдан**
**Пинҳон дардим оғирроқ.**

**Оллоҳ деганим йўлдир,**
**Оллоҳимдир тақдирлар.**

**Олдинда жим борурлар**
**Сукут ридоли пирлар...**

**Хоразм - илоҳий соз,**
**Хоразм - Авестодир.**
**У барча тарихлардан**
**Чуқурроқ... ва устдадир.**

**Мўмин бўлсангу аммо**
**Ҳасадгўй, ола оғиз, -**
**Қадамда чингизлар бор,**
**Сўйлоқ тишли чанқовуз.**

**Оллоҳ деганим ўзи -**
**Парча нур ва кўнглим тўқ!**
**Ғаламис ёвларимнинг**
**Шугина бахти ҳам йўқ.**

**Оллоҳ деганим - Ҳолдир,**
**Шуни асрасам - Борман.**
**Ҳарки мавқега, юртим,**
**Сен боис Сазоворман!**

* * *

**Дерларки, сув сўраб ўғлидан бир пайт,**
**Ота ўзи ухлаб қолибди шу зум.**
**Ўғил то тонгтача бошидан кетмай,**
**Уйғонишин кутмиш, қўлида сархум...**

**Қизлар ҳам отанинг юрак зийнати,**
**Она-ку, ҳар куни пайпаслар сандиқ.**
**Кўкда бузилмасин фасл навбати,**
**Толе ипагига тушмасин чандиқ.**

**Аёл нафаси-ла кўркамдир дунё,**
**Аёл армонича бўлмас ҳеч армон.**
**Унинг бир орзуси ушалгунча то,**
**Бедор турса арзир замину замон.**

**АЁЛ ОВОЗИ**

*Муяссар Раззоқовага*

**Айтгил, не синоат бор овозингда,**
**Не ғайбул аломат бор овозингда.**

**Мусиқа хаёлинг гарчи расмидир,**
**Чин кўрку тароват бор овозингда.**

**Лойим - икки дарё аро олинган.**
**Бахши жон ул ҳолат бор овозингда.**

**Шаҳду ғурур йўқми - мақсад хору хас,**
**Тўмарисдек журъат бор овозингда.**

**Ялоқхўр, ялавоч, турканлар кўрсин,**
**Кубровий саодат бор овозингда.**

**Ҳасадгўй оч хуруж, чўкка туш, қопил,**
**То авжи қиёмат бор овозингда.**

**Азми юксак зотлар асли хор ўлмас,**
**Оташин бир ҳасрат бор овозингда.**

**Иймон - Бош қаҳрамон қадим саҳна бу,**
**Бизга ҳам ишорат бор овозингда.**

**ПАСОН ТАКА**

**Қизилқумни қай кун кесиб ўтаркан,**
**Кўзим тушди жа бир пасон такага.**
**Бир кўзи сурувда, бир кўзи ўтда,**
**Тез-тез боқиб қўяр чўпон акага.**
**Қўнғироқ-ўзида, уюр-бир сиқим,**
**Аммо чўпонидан узилмас кўзи!**
**Воажаб, шунча эрк, кенглик берсанг ҳам**
**Бир қадам отолмас ўзича-ўзи.**

* * *

**Сокин тонг.**
**Юксакдир терак обрўйи,**
**Кумуш танга**
**ўйнар барглари билан.**
**Қўшниси Мажнунтол бош солган куйи**
**Кўз ёши шабнамдир дардлари билан.**

**Ногоҳ, бу манзара**
**кераксиз каби**
**Кўнглим уфқлардан излар сазо, қут.**
**Ва орқа-олддаги, ёнверимдаги**
**Нарсалар гўё ҳеч, ашъёлар - унут.**

**Аммо кўкда**
**ерим ўзин қўмсатар,**

Назар ЭШОНҚУЛ

# Тасаввурга дош берсанг бўлди...



Санъат тилсимланган қўрғонга ўхшайди. Унинг эшиги "сим-сим" деган калитни топмагунча очилмайди. Ҳар қалай, тилсимланган қўрғоннинг эшигини топмагунча қанча қосимлар бу қўрғон олдидан ўтиб кетишган. Ўтиб кетишади ҳам. Лекин баъзи-баъзида кимнингдир оч қолган "туяси" ўз соҳибини беихтиёр эшик олдига бошлаб келади. Бироқ шунда ҳам эшикни фақат хаёлпараст Алибобо очади. Битта эртак тилсимини очиш учун битта қаҳрамон кифоя қилади. Агар бу тилсимни ҳамма ҳам топа олганда эди, унда эртакнинг ҳеч қандай моҳияти қолмасди. Эртак эса моҳиятни тугун ичидаги тугунга яшириб қўяди. Ҳамма ҳам тугунни ечишга ҳафсала қилавермайди.

Моҳият тасаввур чизиғидан сўнг бошланади. Уни топиш учун олдин "тасаввурга дош бериш" ҳам керак бўлади. Тасаввур санъатнинг кириш эшиги. Бу эшикни тополмаган кишига, ҳар қалай, ер ковлаб, хазинани излаб топиш осонроқ. Қўлидан кетмон даста ҳиди келиб турган ижодкор санъат эшигини топиш учун "харита" билан "қазиш"нинг ўзи кифоя қилади деса хато қилади. "Қазиш" — бу тер ҳиди. Тасаввур эса — идрок, заковат ҳидидир. Бу ҳид ҳамманинг ҳам димоғида уфуравермайди. Бироқ фақат шу ҳидгина санъат остонасигача етаклаб боради.

***...Ўлим қўрқинчлимас.***
***Фақат кечинмага чидаб берсанг бас,***
***Фақат тассаввурга дош берсанг бўлди...***

Ўлимдан кучлимикин тасаввур? Нега шоир "ўлим" ва "тасаввур"ни қиёснинг икки қутбига жойлаштираяпти? Ўлим тасаввурни ўзиники қила олармикин? Тасаввур эса ўлимни ўзиники қила олади. Ҳатто уни ижоднинг воситасига айлантириши мумкин. Ҳазрат Навоий Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнунни ажал қўлига топширар экан, ўлимни ўзиники қилади. Демак, тасаввур ўлимни енгади. Мозий ҳам, келажак ҳам тасаввур ҳосиласи бўлиб кўз олдимизга келади. Тасаввур — бу илоҳий қудратни ҳис эта олишдир, бу санъатни тушуна ва англай олишдир.

**"Осмон ёнбошлайди ҳовуз четига..."**
**"Чўмилаётган ойни**
**томоша қилгиси келар осмоннинг..."**
**"Баҳор бўйи қулдай ишлаган чирой**
**ёзга етмай қариб қолади...**
**"...сув теккан ой ўчиб қолар ҳовуз тубида..."**
**"Яна бир наврўзга етган боболар**
**севинчдан яйраб**
**тушларин далага қўйиб юборар..."**

Метафора — тушунчаларнинг тасаввурдаги уйғунлигидир. Тасаввурни янгиламай туриб, на метафорани, на адабиётни янгилаб бўлади. Тушунчалар воқелик турган жойда фақат исмдир. Воқелик тасаввурга айлангач эса унинг эврилиш жараёни кучаяди. Тасаввур тушунчага эркинлик беради. Демак, тушунчаларни мужассам этаётган тасаввур ҳам фалсафага дахлдордир. Тушунча яшар экан, тасаввурнинг мазмуни бор. Тушнинг далага қўйиб юборилиши — воқелик нуқтаи назаридан энг мантиқсиз ифода. Воқеликнинг мантиғи тушунчаларни ўзига қул қилиб қўяди. Шу маънода тасаввур — бу тушунчалар эркинлиги ҳамдир. Тушда кўрилаётган дала билан далага қўйиб юборилган тушнинг бундай пайтда ҳеч қандай фарқи йўқ. Бу ерда фақат тасаввур чизиғининг макони кенгаяпти, холос. Демак, тасаввур чизиғи бу эркинлик чизиғи, мантиқсизликнинг мантиққа айланиш чизиғидир. Шу маънода тасаввур Камю айтмоқчи "абсурд эркинлик"дир. Бу "эркинлик" англанмас экан, юқоридаги сатрларнинг ҳеч қандай моҳияти қолмайди. Чунки бу ерда мантиқ мантиқсизлик чегарасини бузиб, мантиқсизликдан мантиққа айланяпти. Биз хаёл деб ўйлаган ва кўниккан тушунча сўзлар қиёфасида воқелик тусига киритаяпти. Тасаввур мантиғи мавжуд мантиқни воқелик тусига кираяпти. Тасаввур мантиғи мавжуд мантиқни инкор қиларок ўз мантиғини, яъни ўз мавжудлигини ифода этаяпти. Ўз мавжудлигини ифода этиш — бу исёндир. Ҳар қалай, Камю шундай дейди. Агар шеър ўзининг мавжудлигини исботлашга уриняпти экан, демак, бу исёндир. Ўзини ифода этмаслик қулларга хосдир. Қуллик — бу ўзини унутиш, исён ўзини танитиш. Тасаввуфчилар буни бошқачароқ ифодалайди: сўфийлардаги ўзини унутиш бу қулликка даъват эмас, аксинча, ўзига, ботинга — тасаввурга қайтиш сифатида талқин этилади. Бироқ ҳар иккала қарашда ҳам айни ҳолатни инкор этишга даъват бор. Шу сабабли санъатни тушунишдаги икки хил нуқтаи назар алал оқибат бир хулоса билан якун топаверади. Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам ҳеч нарса янги эмас.

Ҳар қандай янгилик эскининг такрори. Шу маънода "янги адабиёт" ибораси унчалар мос ибора эмас. Адабиёт эмас, адабиётдаги қараш янгиланади. Янги қараш янги тасаввурни пайдо қилади.

**"Менга дўст керакмас душмандан бошқа**
**муҳаббат керакмас нафратдан бошқа..."**

Ғалати талқин. Қаҳрамон биз кўниккан шеъриятдаги каби "Менга дўст керак" деяётгани йўқ. Қаҳрамон дўст ўрнида душман, муҳаббат ўрнида нафрат туришини талаб қилаяпти. Нега? Бу нигилизмми ёки аламзадалик? Бу сатр халқ ичидаги мақолга қурилган сўз ўйинига ўхшайди. Лекин гап сўз ўйини ҳақида эмас. Фикр ўйини ҳақида. Душманнинг дўстга айланиши, нафратнинг муҳаббатга айланиши диалектик жараён. Бу ерда ҳам инкор қонунлари бор. Одам ўзига дўст кўзи билан қараши фикрнинг турғунлигига олиб келади. Душман кўзи билан қараса-чи? Муҳаббат қўйилган тушунчаларга нафрат билан қаралса-чи? Нафратни ҳис этмаган ёки нафратни ўзига сингдирмаган муҳаббат — бу тўла муҳаббат эмас, муҳаббат ҳақидаги ҳавасдир. Муҳаббатнинг азоби ва лаззати нафрат билан тўйингандагина биз воқеликни тўлароқ тасаввур этамиз. Муҳаббатнинг нафратга айланиши — бу фожеадир. Фожеа эса руҳни янгилайди, қарашларни ўзгартиради, янги воқеликни яратади, эскини инкор қилади, янги тушунчаларга макон ясайди. Одам руҳияти коинот қадар кенг экан, ундаги жамики янгиланишлар, эврилишлар айни шу жараённинг қутбларида содир бўлади. Туннинг кун каби, куннинг тун каби чексизлиги бу жараёндаги эврилишларнинг бепоёнлиги ва абадийлигини кўрсатади. Инсон шу абадийлик ичида яшар экан, ЎЗИГА МАКОН ЯСАБ ОЛИШГА УРИНАДИ. Бу макон унинг тушунчалари маконидир. Буни бошқача ҳам ифодалаш мумкин. Камю буни ижодкор дунёси деб атайди. Ижодкорнинг дунёси ўзини ифода этиш исёни оқибатида пайдо бўлган тушунчалар ва тасаввур оламидир. Ҳар бир асар — тасаввурнинг метафорасидир. Метафора фикрнинг бадиий ифодасидир. Фикр қилинаётган метафора бу ўзини излаётган идрокдир. Бадиият ҳис этиладими ёки фикр қилинадими? Шарқда ҳис этилади дейди, ғарбда фикр қилинади дейди. Лекин ҳиссиз фикр, фикрсиз ҳис ҳеч қачон бадиият бўлолмаган. Бир-бирини инкор қилувчи тушунчалар ҳамиша бир-бирини тўлдириб келган.

**Ойна каби шаффоф шамол**
**йўлида учраган**
**нарсаларга урилиб синар.**
**Чумчуқларга айланар шамолнинг синиқлари**
**дарахтларга қўнмоқ учун**
**япроқлар ўрнига...**

Баргсиз дарахт — бу этсиз устихонга ўхшайди. Дарахтнинг бор мазмуни унинг мева ва барг қилишида. Яланғоч дарахт билан яланғоч одам ўртасида фарқ йўқ. Шоир бу файзсизликка қарши исён қилади. Шамолни синдириб, барглар ўрнига чумчуқларни экади. Гўё шу билан файзсизликни енгандай бўлади, шу билан гўзалликнинг кемтик жойини тўлдиради. Буни бошқача айтсак, яратиш дейишади. Инсон ўзи яратган гўзалликдан завқ олади. Ўзининг тасаввуридаги гўзалликдан завқ олади.

**...Шайтон ҳам ўзингсан, раҳмон ҳам ўзинг...**

Шоирни бу ерда хоҳлаганча шаккокликда айблаш мумкин. Бизнинг кўникмамизда бир-бирига зид бўлган икки қутбни бир-бирига нега қориштираяпти? Бу исёндан мақсад нима? Биз мақсадни тушунгунча шоир ҳали тиниб улгурмаган мантиғимиз кўлига бошқа бир тош отиб, лойқалатади.

**...Ажр аросатдир**
**жазо-аросат...**
**...мағзи бутун бўлган ақида**
**...тошбақанинг косасидай бўм-бўш ётибди...**

Бу учта мучал ёшига етган ақлнинг хулосалари. Ақл ўтмиш ва келажакнинг харобаси устида шайтон ва раҳмон бир қиёфага кирган жойда ўтирибди. Уни диалектика билан алдаб бўлмайди. У бу хулосага келгунча барча жараённи босиб ўтган. Босиб ўтган йўлининг хулосаси шу. Унинг айнан шу хулосага келишининг ўзи исён. Ақл шу исён билан чегараланади. Унинг бошқасига қурби етмайди. Атроф — жавониб дўзахий манзара. Ҳар бир тушунчада, ҳар бир сўзда таназзул ҳиди бор. Ақл бу таназзулга таслим бўлади. Завқ ўлди. Завқсизлик эса жаҳаннамдир. Муҳит таназзули ақлни ҳам таназзулга олиб келди. Димоғида таназзул куйиндилари ҳидидан бошқа ҳид қолмади. Лекин шуур бу таназзул орасидан ўзини қутқарадиган битта сўзни топиб олди:

**...Энди бу кўнгил**
**пушти куйиб кетган бир мозор**
**гўрўғли - мақсад**
**туғаолмай қийналар.**

Ана шу битта сўз тасаввурнинг яшаб қолиш имкониятини беради ва бир замонлар худди шу номдаги достон орқали халқ ўзининг идроки ва улуғворлигини сақлаб қолгани каби тасаввур ҳам шу сўз орқали ўзининг мавжудлигини сақлаб қолади. Кўнгил ва ақл мозористонида гўрўғли туғилади. У таназзулга маҳкум жасадини ташлаб, юқорироқ кўтарилади.

**Унинг бир истаги (Майли қай кимса,**
**Шаънига номақбул сўз айтса, айтсин.)**
**Кўкдан тушолмаган бирор-бир хумса,**
**Шеърий зиналардан заминга қайтсин.**

Бу тасаввурнинг дастлабки бош кўтариши эди. У ўзини қутқаришга кўкдан кимдир ёки нимадир тушади деб умид қилади. Умид завқини тирилтиради. Завқ эса худди шилликқуртдек тасаввурга ёпишиб олади. Зеро, у тасаввурсиз, унинг кўзларисиз яшай олмайди. Тасаввур эса энди тепадан кимдир тушишига бўлган умид билан чекланмайди. Агар бу зиналардан кутгани тушмаса, унинг ўзи шу зиналар орқали кўтарилади ва шу йўл билан ўзини "мозористон" ҳидидан халос қилади. У энди бемалол мозористон уфунотида ғарқ бўлган дунёга қасдма-қасд ўзи дунё ва гўзаллик яратиши мумкин:

**Кўксингни ёради ғам куртаклари**
**ёниб ёзгинг келар жигархун байтлар,**
**юракни алдайди ишқ эртаклари...**

Юрак дўзахий уқубатдан халос бўлиб, янги ишқ, янги муҳаббат, янги исён билан тўлади. Тасаввур исёни янги сўзни, янги номни, янги матлабни яратади. Бу яратишни биз соддагина қилиб "Истеъдод" деймиз...



Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

# ШАФАҚ ТОВЛАНАРКАН ХУДДИ ЁҚУТДЕК...

* * *

Дош бермади кўз гавҳари
бу тусга
ям-яшил эди чунки
қип-қизилдан қуюқроқ эди
ип эшолмасди қоп-қора ҳатто
тўқроқ эди сап-сариқдан ҳам

йўқ танаси чўяндек арча япроқлари
такрорлаб билмасди ўша рангни ҳеч
на бир гиёҳ на-да малак рўмоли
на-да теран тасаввури мусаввирнинг
доддлаб юборасан қарасанг
хаёл синади чил-чил

бироқ кўрганингни ҳеч кимга айтма
хонишини унутиб қўймасин булбул
шитирлаш ўрнига титрамасин барг
ортига қайтиб кетмасин кўклам
кўриб кўрмаганга ўхшаб туравер

* * *

Қўрғошинга эврилмоғинг шарт
яшамоғинг учун бунда бир дафъа
айт қўрғошиндан қуйсинлар сени

лоақал болалар шодлансин учун
ҳаракат қилакўр эримасликка
тевараккa ёйилиб кетма

кўзингни ўчоққа ташларлар дарров
қуён ер бурнингни бир сакраб
сени-да ёқарлар топиб қаловинг

қорбобо дафъатан оқарган бобо
қора муҳит ичра бақрайган ҳайрат
кимларга ўхшайсан ўхшайсан кимга

олислардан шундай думалаб келдинг
ойнинг жигарбанди юлдуз боласи
қуёшни ҳасадда ёққан оқ бобо

* * *

салгина ғубордан тарс ёрилган гул
қушнинг хонишини ютган эй ғунча
тун чўксин илоҳий тусга кирасиз

гўё тонг отмайди энди ҳеч қачон
қиёматга қадар барглар шивири
ой шуъласи-ла тузган иттифоқ

шафақ товланаркан худди ёқутдек
қўрқинчли туюлар бойўғли саси
аммо хуш ёқади менга бу қўрқув

борлиқни эгаллар оқ қора қизил
бир-бирига халал бермайди ранглар
ҳаммаси ўзича танҳо ва ёлғиз
Бу оқшомнинг мунгли қўшиғи

* * *

У билар шубҳасиз кўркамлигини
ҳуснининг тарозида тош босишини ҳам
думига камалакни қўндириб қаранг
ўзини намойиш қилар бир сипо

одамгаям ишва қилади-я бу махлуқ
турфа хил шуълага кўмилган ахир
кўз-кўзлар кўз каби тангаларини
баҳосини обдон билади товус...

лекин у товуқмас жаннатий қушдир
нозланиб ҳурпайиб юради сокин
унга термуларкан бачкана хаёл
эриб кетар мутлақ патига тегиб

* * *

Дарахт ковагининг меҳмони қўрқув
илоннинг ишқи тушди ниначига
тановул қиламан ғусса бўтқасин

ахир рангин камалак бор-ку
нега зерикади товус катакда
само ташқарида қолиб кетмас ҳеч

юлдузлар бор ундан нарида
баҳайбат кўз ёши бор зўлдирдек
у онаси ёмғирнинг қорнинг

шу яқин атрофда яшар Азроил
оғзини чаяркан Ойнинг сувига
тишини ишқалар камалак билан

қачонки дарахт шохлари аро
тўсатдан таралса бинафшаранг нур
дунёдан ўтаман ўша чоғда мен

Акира КУМАНО

# ШАРҚ ВА ҒАРБ МУАММОСИ ДОЛЗАРБМИ?

Бугунги Ўзбекистоннинг мустақил давлатлар силсиласида ўз муносиб ўрни ва нуфузи бор. Бугун дунёга юз бурган мамлакатимиз ер юзининг ҳар бир эзгу ниятли давлати билан ўзаро манфаатлар доирасида иқтисодий ва дўстона алоқаларни йўлга қўйишга, беғараз дипломатик муносабатлар ўрнатишга ҳамиша тайёр. Бунинг учун ҳамкорлик қилаётган томонлар бир-бирларининг тарихи, маданияти, мафкураси ва менталитетини билишлари ғоят муҳимдир

Биз қуйида ёритаётган Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато (адабий тахаллуси — Акира Кумано)нинг "Шарқ ва Ғарб муаммоси долзарбми?" сарлавҳали мақоласи худди ана шу мавзудаги нозик кузатишлардан иборат теран тадқиқотдир. Унда: "Россия Шарққа мансубми ёки Ғарбга?" деган асрий баҳсга холисона ёндошилиб, Европа, Россия ва Япония менталитетларига доир талай жумбоқларга ойдинлик киритилади. Муаллифнинг ушбу рисоласи муштарийларимизда, қолаверса, кенг жамоатчиликда қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз.

*Россия Шарққа мансубми ёки Ғарбга? Бу масалани россияликлар мамлакатнинг ҳар бир бурилиш даврида ўргандилар.*

*Бу мавзуда мақола ёзишга чоғланганимда, биринчи галда қуйидаги саволларга жавоб топишим зарурлигини яхши билардим:*

*а) Японлар Россия ҳақида фикр юритганларида, "соф японча" нуқтаи назардан қарашадими ёки Россия билан бўлган муносабатларида улар ўзларини Шарқу Осиёга хос умумийликнинг бир қисми, деб санайдиларми? б) "Осиё" Россиясига доир баъзи бир рус муаллифларининг баёнотига Японияда нечоғлик жиддий муносабатда бўладилар? Япон фуқароси Россиянинг Европага нисбатан муносабатларига қандай қарайди? Улар Россияни Европанинг бир қисми, деб ҳисоблашадими ёки аксинча, Россия Европани "кенгайтирган", деб қарашадими?*

*Назаримда, бу саволларнинг ҳаммаси мен учун долзарб бўлиб туюлмайди, улар "европача" мантиқий тафаккурнинг маҳсулидир. Чунки японлар ўз давлати хусусида мафкура ва мантиқ нуқтаи назаридан мулоҳаза юритишмайди. Кўпчилик японлар учун мамлакатнинг "мавжуд"лиги ўз-ўзидан англашиладиган далолатдир. Япония азал-азалдан бирлашган оролда жойлашган давлати сифатида унинг мавжудлиги ҳақида исбот талаб қилинмайди.*

*Тўғри, Японияда баъзан ўта миллатчилик мафкураси авж олган, лекин бу фақат ташқаридан Ватан мустақиллигига таҳдид қилишгандагина юз берган. VII асрда Корея ва Хитой томонидан хавф-хатар кучайгани, XIX асрда Европанинг мустамлакачилик дағдағаси ва Россиянинг Японияни босиб олиши йўлидаги хатти-ҳаракати бунга мисол бўла олади. Лекин ана шу истиснолардан ташқари японнинг ўз давлатини англаши шаклсиз ва савқи табиий тарзда кечади (гарчи амалда японларнинг барчаси англаб бўлмайдиган кучли туйғу билан ўз мамлакати (давлат сифатида эмас) ва маданиятини ялакат бир мағизга ўхшатсалар-да). Ҳа, японлар мантиқ эмас, балки туйғу ва эҳтирослар билан яшайдиган миллат. Улар Ғарб тоифасидаги қонунчиликка асосланмай, жамиятнинг ахлоқий ва ёзилмаган ахлоқий қоидаларига амал қилади. Бошқача айтганда, Япония нимаси билан-дир кучли тизимга эга бўлган ғарбийевропача тоифадаги "Миллий давлат"дан фарқ қилади. Жуда қатъий марказлашган давлат Иккинчи жаҳон урушигача Япония тарихи учун ғайритабиий ҳодиса эди.*

*Демак, японларнинг аксарияти бошқа давлатлар тўғрисида ҳам мантиқ нуқтаи назаридан фикр юритмайди. Агар уларга: "Россияга қандай муносабатда бўласиз?" — деб савол берсангиз, шундай жавоб оласиз: "Нечун бундай савол берасиз? Мен бундай йўсин ва ройишда фикрламайман".*

*Бу ғоя ва майл Япониянинг урушдан кейинги тарихида, яъни Америка томонидан ҳарбий қудратидан маҳрум этилган ва уруш фалокатларидан даҳшатга тушган халқ орасида янада кучайди. Россияликларда эса ҳамон қамал қилиш туйғуси кучлидир. Агар Япония иқтисод кўламини ҳар томонлама кенгайтиришга суянса, Россия бўлса, ўз миллий манфаатлари доирасида сиёсатга ҳам, ҳарбий қудратга ҳам зўр беради. Япония ва Россия маданият соҳасида кўп нарсани ўзаро баҳам кўришларига қарамай, улар сиёсий қарашлар бобида мухолифлардир.*



*Шу тариқа мен бундан сўнг ҳам икки жиҳатга тўхтаб ўтаман: қай тарзда Россия японлар кўз ўнгида идрок қилинади (ёки идрок қилинмайди) ва Россиянинг Шарқ ёки Ғарбга мансублиги борасидаги руслар орасида олиб борилаётган мунозара долзарбми?*

## РОССИЯ ҲАҚИДА ЯПОНЧА ҚАРАШ

Япония учун ёпиқ бўлган XIX аср Ғарб мустамлакачи давлатлари, шу жумладан Россия томонидан унинг эшигини қоқиш билан бошланди. Уларнинг барчаси Японияни эгаллаб олишдек яширин мақсад билан савдо қилишга интилди. Россия японлар кўз ўнгида ўзининг ташқи қиёфаси ва хулқ-атвори билан худди европаликдек намоён бўлди.

Қиёфа — панд бериб қўйиши мумкин. Бугун ҳам кўпчилик японлар илк бор Москвага келиб қолишса, россияликларни бошдан-оёқ европаликлар сирасига киритиб қўйишади, унинг тамаддунини эса Ғарбий Европага дахлдор, деб ҳисоблашади. Ҳатто ўз мамлакати бўлмиш Япония кўчаларида ҳам камдан-кам киши россияликни америкаликдан фарқлай олади ва уларга бир хил муносабатда бўлади. Улар учун ҳаттоки гуржи ва арман ҳам гўё "рус киши" бўлиб туюлади.

Аммо, Японияда мустабид ҳокимият барҳам топганидан кейин унинг ҳокимияти тез орада "Ғарб" билан таништириш вазифасини йўлга қўйди, давлат аҳамиятига молик бу тадбир иштирокчилари Ғарб давлатларининг Россияга нисбатан қандай муомалада бўлишини дарҳол пайқаб қолдилар. Россия Қрим урушидаги мағлубиятидан сўнг ва индустриялаштириш арафасида ўзининг бой маданиятига қарамай, японлар учун сиёсий, технологик ва иқтисодий жиҳатдан қолоққа ўхшаб кўринади. Уни Японияда янги давлат қурилишининг намунаси, деб ҳисобламадилар. Ҳукумат томонидан тажриба орттириш учун Россияга юборилган япон талабалари сони Ғарбий Европа ва АҚШга солиштирганда анча кам бўлиб, ватанларига қайтганларидан кейин уларга масъулиятли вазифалар берилмас эди.

Россия ҳақиқати япон зиёлиларининг бир қисмини ўзига тортди, асосан буни маданият, драматургия, мусиқа, балет ва марксизм соҳасида кузатса бўларди. Россия заминининг кенглиги, русларнинг олижаноблиги ва уларнинг ўзаро муносабатлардаги самимияти Россия ҳақида кенг тарқалган тушунчалар эди. Аммо Россия ҳақидаги омманинг умумий тасаввурига Манчжурияга таъсир ўтказиши борасида Россия билан мудом тортишувлар, унинг оқибати ўлароқ юз берган 1904 йилги япон-рус уруши ва япон қўшинининг Сибирга босқини тез-тез соя ташлаб турарди. Рус православ черкови ҳам японлар орасида кенг қўллаб-қувватланмади.



Агар жамоатчилик фикри таҳлил қилинадиган бўлса, ҳар бир аҳоли қатламини, ёшини, жинсини ва ҳакозаларни бир-биридан ажратиб кўрсатмоқ мақсадга мувофиқдир. Иккинчи жаҳон урушигача Японияда халқ қатламларини анча аниқ қилиб ажратиш мавжуд эди: юқори табақа (элита), зиёлилар, корхона хизматчилари, ишчилар, ҳунармандлар, деҳқонлар ва камбағал-деҳқонлар. Аёллар овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Агар юқори табақа миллатчилик ва аксил совет сиёсати тарафдори бўлса, зиёлиларнинг катта улуши марксизмнинг кучли таъсири остида аксил ҳокимият йўлини тутди. Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин ва Япониянинг иқтисодий ривожланишидан сўнг энди бу тафовутлар амалда изсиз йўқолди. Аҳолининг 95 фоизидан ортиғи ўрта синфга мансуб. Иқтисодий манфаатлардаги қарама-қаршиликлар ва ихтилофлар урушгача бўлганидек кескин тус олмайди. Ҳатто корхоналарда ҳар йилги иш ташлашларни ширкатлар раҳбарияти ва касаба уюшмалари етакчилари олдиндан ўзаро келишилган ҳолда расман уюштира бошладилар.

Бугун япон жамиятида юқори табақа ва зиёлилар, деган тушунчага асос йўқ. Агар урушгача юқори табақа амалда онгли равишда тайёрланган бўлса (фақат аҳолининг уч фоизигина эркинлик муҳитига ва европа тоифасидаги либерализмга эга ҳамда ҳаётнинг маъносини фалсафий англашга қаратилган) олий-ўрта мактабга кириб ўқишган. Ўша урушдан кейин эса "тенглик" қоидаси — америка тоифасидаги демократизмнинг ҳаддан зиёда талқини устунлик қилиб, юқори табақа, зиёлилар ва ўрта синф орасидаги тафовутни атайлаб ювиб кетди. Жамиятда даромадни ва турмуш даражасини кўтаришга мойиллик уйғонди ҳамда либерализм ва ҳаёт ҳақида фалсафа сотмоққа доир аниқ мафкура даҳшатли рақобат билан ўрин алмашди, йирик корхоналарда ишлашга кафолат берадиган нуфузли олий ўқув юртларида таълим олишга интилиш кучайди. Олий-ўрта мактаблар аслида олий ўқув юртлари учун тайёрлов мактабларига айланди ва талабалар кўпинча университетларда жиддий мутолаа қилмай қўйишди.

Бинобарин, юқори табақа — элита Японияда ноаниқ моҳият бўлиб, сиёсатчилар, давлат амалдорлари, журналистлар, бизнесменлар ва олимлар қисмидан тарқоқ бир тарзда ташкил топган. Уларнинг турмуш даражаси кенг омманикидан мутлақо фарқ қилмайди. Япон юқори табақаси бир қадар жамоатчилик фикрини туғдириб, таъсир ўтказмоқчи бўлади ва ҳатто жамоатчилика ёқиш учун вақти-вақти билан ўзининг доңғини халқ орасида таратишга уринади. Эҳтимол, бу — ҳозирги замон демократик мамлакатларига хос умумий касалликдир.

Юқори табақасининг бундай табиати кенг оммадан узилиб яшаётган Россия элитаси учун тушунарсиз ва эришиб бўлмайдиган ҳолдир. Уларда ҳамон-ҳануз бадном бўлган квази-марксиетик ёндошув, яъни айбдорлик презумпцияси таомилдир. Бордию бирор мамлакатнинг жамоатчилиги Россияга нисбатан муносабатда гўёки номуносиб фикрда бўлиб туюлса, улар дарҳол "энг ягона, энг улкан сиймо"ни излаб топишда мусобақа бошлайдилар, бамисоли ҳаммаси зимдан ўйлаб чиқарилади. Гап шундаки, Япониядаги барча йирик рўзномаларга кўп ҳолларда ҳукумат томонидан раҳбарлик қилинмайди, балки муштарийларнинг майлига қараб иш тутиладилар. Улар реклама ва муштарийлардан баббаравар фойда кўрадилар. Японияда бирор рўзномага обуна масаласини уй бекалари ҳал этадилар. Бинобарин, Россиянинг баъзи бир мақоланавислари япон уй бекаларининг табиатини ўргансалар, мақсадга мувофиқ бўлурди.

Япония жамоатчилиги Россия ҳақида кам билимга эга. Япония оролда жойлашган давлат бўлиб, одамлари чет элликлар билан мулоқотсиз тинчгина яшай оладилар. Бутун дунё билан таққослаганда энг юқори маош олишларига қарамай, улар шунчаки ўзаро алоқа билан машғуллар. Гарчи мамлакатлар тўғрисида ўйлаган тақдирда ҳам, улар ҳаммадан бурун АҚШ (лекин фақат асосан Нью-Йорк, Сан-Франциско ва Лос-Анжелес), Париж, Лондон билан чекланадилар. Сўнгги вақтларда Жанубий Корея, Хитой ва Ҳиндистон каби давлатлар япон сайёҳларининг талай қисмини ўзига жалб этаяпти. Россия эса тушуниксиз сабабларга кўра, кўпчилик японлар учун ҳамон бегона, олис ва қўрқинчли мамлакат бўлиб қолаётир.

Япониянинг катта ёшдаги авлоди назида Россия обрўси анча ойдин ва равшан, уларнинг Иккинчи жаҳон уруши давридаги Совет Иттифоқига тааллуқли хотираси ҳали унут бўлгани йўқ. Ўшанда Иттифоқ бетарафлик ҳақидаги шартномани бузганча Японияга нисбатан урушдан катта улуш олиб, тўрттала шимолий оролни ҳамон тутиб турибди. Сталин қонунсиз тарзда 600 000 японни асирликда сақлаган ва улардан 70 000 дан ортиғи совуқ ва очликдан ҳалок бўлган.

Бошқа японлар учун эса (улар кўпчилик эмас) Россия каломи кенг далалар, ғуссали халқ қўшиқлари ва хушфеъл, семиз қишлоқ аёлларини эсга туширади. Мабода япон ёшларига савол берилса: "Сен учун Россия нимани билдиради?" — деб, шунда кўпчилиги бир зум сукут сақлаб, сўнг кулиб, бундай деган бўларди: "Менга бари бир эмасми? Россиями? Ҳа-я, мафия, балалайка, Сталин... Ҳатто нон ҳам етишмайди, дейишади. Ах-а, чебурашка қўғирчоғи. Ёқимтой. Мен ҳам сотиб олдим. У Россияданми? Ростданми?! Мен эса билмабман". Ўша заҳотиёқ қизгина дугонасига сим қоқиб, гап сота бошлайди.

Бир сўз билан айтганда, япон аҳолисининг аксар қисми шавқи тез, таъсирчан. Ўзининг лаҳзалик кайфиятини кўниктириш учун у ён-буён шоҳ ташлаб туришади. Жиддий маданиятга қизиқиш тушиб кетган, шунинг учун ҳам рус адабиёти ва рус халқи қўшиқлари фақат кенг омма ўртасида эмас, балки заковат эгалари орасида ҳам қўллаб-қувватланмайди. Бизнинг замонимизда японлар тирикчилик ташвишларига кўмилиб қолган, америка пон-маданиятини истисно қилганда, уларнинг ёт маданият билан ишлари йўқ. Кўпчилик японлар ҳанузгача Москва дўконлари олдида узундан-узун навбатда туришлар бор, деб ўйлайдилар. Россия билан муносабатни яхшилашга интилаётган Япония ҳукумати бу мамлакат ҳақидаги бундай қолоқ, орқада қолган тушунчалар энди фойда бермайди, балки акс таъсир қилади, деб қарайди.

Японияда Россия ҳақида унча-мунча биладиган зиёлилар мавжуд. Менинг назаримда, улардан кўпчилиги Россияни Ғарбий Европадан аниқ ажрата оладилар. Уларнинг умумий тушунчаси мана бундай: Россия алоҳида моҳият касб этиб, Европадан сезиларли даражада орқада қолган. Россиянинг Ғарбга ёки Шарққа мансублиги ҳақида масаланинг қўйилиши улар учун ўз долзарблигини йўқотган, деб санашади. Шу билан бирга, айни маҳалда Япониянинг заковатли зиёлилари россияликларнинг илтифотсизлик ва таптортмаслик оҳангида айтган "Ҳа, биз осиёликлармиз!" деган луқмасидан жуда ранжиган бўлурдилар. Чунки баъзи бир россияликларга хос ўша ҳад билмаслик, манфаатпарастлик ва тажовузкорлик Шарқ ахлоқига моҳиятан зиддир. Бунинг устига Осиё энди қолоқлик рамзи саналмайди. Агар хулосалайдиган бўлсак, Россия — Россия, демак ва у Европа ҳам. Осиё ҳам эмас.

## ШАРҚМИ ЁХУД ҒАРБ?

Руслар Россиянинг маданий мансублигига оид масалани муҳокама қилишса, уларнинг баҳси баъзан мен учун ҳам тарихий, ҳам жўғрофий микёсини йўқотгандек туюлади. Холис англай билмаслик ва ўз тарихи ҳамда ўзга мамлакатларнинг ҳаёти ҳақида билимнинг йўқлиги мунозаранинг сифатини рўйирост пасайтириб, уни самарасиз ва беҳуда худбинона машғулотга айлантириб қўяди. Менинг назаримда, Россиянинг жаҳон тамаддунидаги ўрни масаласига ғоят пухталик билан ёндошиш талаб этилади. Жумладан: Россия тарихи ҳақидаги турфа мафкуравий хулосаларни қайтадан қараб чиқиш: ҳам "Ғарб", ҳам "Шарқ" мамлакатларининг турмуш тарзи билан холисона танишиш шарт.

Айни маҳалда Россиянинг кенг оммаси бу масалага бефарқ қарамаслигини назардан қочирмаслик лозим. Гарчи вужудга келган маданий тенглик Россиянинг тикланишида муҳим ўрин тутишига қарамай, бу мамлакат учун биринчи галдаги вазифа ҳаддан ташқари ҳарбийлаштирилган иқтисодни қайта қуришдан иборат.

Аммо ҳамон Россия зиёлилари ўзининг эски маслагига барҳам бермаса, ўз тарихи ва бошқа мамлакатларга кўзини очиб қарамаса, фақат ўзи ҳақида ўйлашдан тўхтамаса, унда зиёлилар ва кенг омма орасидаги узилишни бартараф қилиб бўлмайди.

Бутун дунёда кечадиган маданий тенглик ҳақидаги мунозарага гоҳида Ғарбга муносабатларнинг йиғиндиси сабаб бўлади. Амалда барча кишилар бутун жаҳонда бугун ғарбча услубда яшашга интиладилар. Лекин улар Ғарбда ўзларига тенг кўриб ҳисоблашмаётганини пайқаб қолишган ҳамона кўнгиллари совиб, жаҳллари чиқади ва ўз қадриятларини пеш қилиб, тарафкашликни бошлаб юборишади. Голливуд филмларини ва "ҳаддан зиёда" ғарбона шахсияпарастликни аёвсиз танқид остига оладилар.

## ТАРИХ ВА МАФКУРА ТАЛҚИНИ

Агар маданий тенглик муҳокамаси билан жиддий шуғулланиладиган бўлса, ўз тарихининг ўтмишига нигоҳ ташлаш зарурдир. Рус тарихи бир неча бурилишларни бошидан кечирган: Россиянинг чўқиниши, мўғул зулми, Москва князлигининг устунлиги, крепостнойлик, Улуғ Петрнинг ислоҳотлари ва коммунизм. Бироқ улардан баъзилари анча кучли мафкуралаштирилган ва шу боис ҳам ўз тарихидан тўғри сабоқ чиқаришга қийинчилик туғдиради.

Биринчидан рус мажусий (бутпараст)лигидан ижобий ҳолатларни баҳолаш зарур. Албатта, рус мажусийлиги айнан русларники бўлмай, унинг ўз ибтидоси бепоён Евросиё ҳудудидаги бошқа миллатларга бориб тақалади. Борлиқни инсон табиатини куйлаш ва мажусийликда ишқий эҳтирос ўрнининг қарор топиши — Россия маданиятининг уйғониши учун қувват манбаи бўлгандир, деб тасаввур қилиш мумкин.

Қадимги Киев, Буюк Новгород ва бошқа шаҳарлардан демократик (республикавий) асосни ҳам қайта баҳолаш ўринлидир. Ва бу йўлда Александр Невскийнинг хизматини қайта кўриб чиқиш даркор. Унга бутун рус давлатининг ҳимоячиси, деган унвонни бериш — мафкуравий ёндошув, чунки бу пайтда Россия ягона давлат сифатида мавжуд эмас эди.

Баъзи бировларнинг тасдиқлашича, Россиянинг барча фалокатини мўғул зулмига олиб бориб тиркаш хато бўлурди. Россияни бошқаришдаги ўзбошимчалик унсурлари ибтидоси фақат мўғуллардан эмас, балки Византиядан ҳам олингандир. Императорларнинг ўзбошимчалиги, зулми, зўравонлиги ва ҳеч бир нарсадан тийилмаслиги Рим империясининг илк кунлариданоқ қайд этилган. Шунингдек, ҳатто мўғул босқини юз бермаганда ҳам, Византия мақомининг ағдарилиши ўша пайтда эртами-кечми Киев, Новгород ва бошқа шаҳарларга турғунликни олиб келарди.

XV асрдан кейин тўрт юз йил давомида Ғарбий Европа тамаддуни шакллантирган асосий жиҳатлар Россия тарихида йўқлигини назардан қочирмаслик керак. (Уйғониш даври, реформация, яъни инсонни черковга бўйсинишдан озод қилиш, янги минтақадан олтин ва кумушнинг оқиб келиши). Америкада пулнинг касод бўлиши, ер эгаларининг таназзули, аграр инқилоб, ишчилар синфининг вужудга келиши, дастлабки сармоянинг тўпланиши, буржуа инқилоблари, дворянлар қўлидан хусусий мулк ва ишлаб чиқариш воситаларининг тортиб олиниши индустриал инқилобга асос тайёрлади. Фақат ана шу уқубатли жараёндан Ғарбий Европа, ҳаммадан бурун Англия Ўрта асрнинг ибтидоий ҳаётидан чиқиб олди ва аста-секин фуқаролик жамиятини қурди. Шундан бошлаб афкор омма ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини танийдиган бўлди. Европаликларнинг ўша мулойим, назокатли одатлари ва одоб қоидалари фақатгина XVII асрнинг иқтисодий юксалишидан сўнггина аҳолининг кенг қатламларини қамраб ола бошлади.



Ана шунча вақт давомида Россия крепостнойлик зулматида ухлаб ётарди. Улуғ Петрнинг Европа маданиятини зўрлик билан киритиши аҳолининг фақат чекланган қисмигагина таъсир қилди. Ишлаб чиқариш воситалари, яъни ер ва крепостнойлар мулкдор дворянлар ва янгидан пайдо бўлган зиёлилар қўлида қолиб кетди. Энди инқилобчига айланиш ёки "ортиқча одам" бўлиб қолишдан ўзга чора йўқ эди. Бинобарин, Россия индустриялаш учун тахминан ярим инвестиция олди ва уни чет эл сармояси ҳисобига амалга оширди.

Россия олдида улкан вазифа турибди. Ўзини Ғарбий Европага мансубман, деб ҳисоблашига асос йўқ. У қисқа вақт ичида бой берилган тўрт юз йилнинг ўрнини тўлдириши зарур: айниқса, маънавий, иқтисодий соҳаларда... Бу ерда руслар қиёфасининг европаликларга ўхшашлиги тарихий тафовутни бартараф қилолмайди.

Бошқа тарафдан Евросиё минтақаси шунчалик мураккабки, маданий тафовутлар ҳақидаги ҳар қандай баҳс нисбийликка маҳкумдир. Чунки бу минтақада сариқ, оқ ва жигарранглилар бир-бирларини оралаб ўтганлар ҳамда ўзаро таъсир ўтказганлар. Марказий Осиё ва Сибир каби ҳудудлар ўзига хос мисол бўлиб хизмат қилади. Ҳатто хитой маданияти ҳам ташқи таъсирдан маҳрум эмас. Шунингдек, Эрон тамаддуни ҳам, кўчманчи миллатлар ҳам бир хил даражада Россияга таъсир кўрсатган. Эҳтимол, фақат Ғарбий Европа ва Япония Шарқдаги кўчманчи миллатлар таъсиридан холи бўлган.

## ТУРҒУНЛИКДАН ЖЎШҚИНЛИК САРИ

Қадриятлар ва ҳатто халқ менталитети ҳам ўзгарувчан: бош ҳаракатлантирувчи куч — иқтисодий юксалишдир. Бунга ҳали юқорида баён этганим Ғарбий Европа ўзига хос мисол бўлиб хизмат қилади. У юнон ва рим тамаддунининг бевосита меросхўри эмас. Олмонлар уларни вайрон қилгандан кейин европаликлар узоқ вақт ибтидоий ҳаёт кечирдилар, юнон ва рим фани араблардан мерос бўлиб, табиий фанларнинг ривожи ҳам араб, ҳам форс олами билан боғлиқдир. Европаликлар юнон-рим маданиятини Византия ва араблардан қабул қилиб олдилар. "Буюк кемачалик даври"дан сўнг европаликлар Шарқ савдо йўлини, бойлик марказини ва ўша пайтдаги жаҳон савдосини ҳамда Америка бойлигини монополияга айлантиришнинг уддасидан чиқдилар. Ўшанда Ғарбий Европани модернлаштириш — ижтимоий тузумни, муомала одобини, қадриятлар ва менталитетни ўзгартириш ҳамда иқтисод ва фанни тараққий эттириш билан бошланган эди. Ғарбийевропаликларнинг тасдиқлашича, озодлик ва демократия тараққиётнинг ягона йўли. Фақат европаликлар фанни юксалтира олганлар, деган даъво кибру ҳаводан ўзга нарса эмас. Аслида улар ўз тарихи ҳақида билимнинг йўқлигини намоён этдилар. Ҳозирги кўринишдаги озодлик ва демократия уларда XX асрнинг бошидагина вужудга келди; улар юксалишнинг сабаби эмас, балки оқибатидир. Ва бошқа миллатлар ҳам фан ва демократияни бемалол ривожлантира оладилар.

Эндиги дунё жадал ва жўшқин тараққий этиб бораяпти. Россияда ҳам, Хитойда ҳам ёшларнинг ахлоқи ва менталитети тубдан ўзгараяпти. Тўғри, ёшлар ҳамиша ва ҳамма жойда аввалги авлодларга қараганда, кўпроқ муросасиз, айни маҳалда кўпроқ собитдир. Аммо бу мамлакат ёшлари бугун "Европа тамаддуни"ни ўрганишга мойиллик билдирмоқдалар. Улар у ерда қандайдир ижобий ва соғлом нарсани, яъни ақл-идрок билан иш тутишни, нимагадир мақсадсиз кўнгил қўйишдан халос бўлишни кўришаяпти. Иқтисодий ислоҳот ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан ҳуқуқни ўзгартириб юборди ва амалдорларга боғлиқ бўлмаган кўпгина ишчи ўринларини яратди. Компьютер омилининг кенг миқёсда тарқалиши ўз навбатида жамоа орасида ўзини ўнғай сезмайдиган, якка ҳолда ишлашга мойил бўлган ёшлар учун катта микдордаги ишчи ўринларини очишга имкон туғдирди.

Баъзи бир рус файласуфлари йигирманчи аср бошида тахайюлий оҳангда маълум қилишларича, гўёки Россия ўзининг тарихий қолоқлиги боис мустабидликда қолишдан ўзга йўлни танлай олмайди. Тўғри, Россияда қўрқув ҳукмронлиги жуда узоқ давом этди. Қўрқув ва даҳшат инсон табиатини бузади ва уни ҳокимиятга итоат этишга мажбурлайди. Лекин унинг таъсири абадий эмас. Қўрқув йўқолса, ўша заҳоти озодлик вужудга келади. Россиядаги шестидесятниклар билан боғлиқ воқеа бунга яхши мисол бўла олади: қайта қуриш давридаги эркин сайловлар атрофида кечган ўша ҳаяжонлар ва бугунги ёшлар феълатворининг ўзгариб қолиши...

Ҳар бир нарсага ишонмай мункир келувчилар буларнинг ҳаммасини инкор қилиш учун скинхеларни ва озодликдан кўра нон ва нафақа пулини муҳимроқ, деб билган кенг оммани кўрсатган бўлардилар. Ҳар ҳолда барча жамиятларда қолоқ одамлар топилади, улар илғор одамларни айблашади ёки ҳукуматдан ёрдам кутишади. Агар сиёсатнинг ройишини шундай кимсаларга қаратиб бурсангиз, мамлакат турғунликка тушиб қолади, қадриятлар ва менталитет эса тош бўлиб қотади.

Ижтимоий сиёсатда кўпроқ кимларга кўз тутиш керак: илғорларгами ёки ютқазувчиларгами — бунинг энг мувофиқ нисбатини топиш доимо мураккабдир. Бироқ айнан илғорлар қобилиятли одамлар бўлиб, бойлик яратади, янги корхоналарни кенгайтиради, бинобарин, жамиятдаги қадриятни ва халқ менталитетини ўзгартиради.

Эҳтимол, Ғарб шахсиятпарастлигининг мафкура сифатида ўз чекланишларига эгалигини ва инсон тафаккурида фақат бир босқич эканлигини пайқаган жиддий одамлар бордир. Лекин, менинг назаримда, Россияда ҳар бир шахснинг ҳуқуқини қарор топтириш биринчи навбатдаги вазифа саналади, шунинг учун ўз вақтида ортга ўгирилиб, жамоатчилик ёхуд шарқона-мистик асосга нигоҳ ташлаш даркор, негаки бу мутаассиб кучлар томонидан фойдаланиш хавфини туғдиради.

Қадриятлар масаласини англаб етиш учун муҳокама қилиш мумкин, бироқ бирор бошқа қадриятлар тизимини зўрлаб тиқиштириш керак эмас, чунки қадриятлар табиий йўсинда ижтимоий тараққиётга қараб шаклланиши лозим, акс ҳолда ҳар қандай зўрлаш жамиятни ўз тараққиёти йўлида ўзгаришдан маҳрум этади. Бунинг устига Шарқ ва Ғарб маданиятлари орасидаги чегара ноаниқ ва мужмал бўлиб, мудом ўзгариб туради. Ўша Киплинг кўпчиликка таниш машҳур иборасидан кейин ўзи шундай ҳам деганди: "Аммо Шарқ ҳам, Ғарб ҳам йўқ, қабила, ватан, авлод бор..."

Россия — Россия, демак. Унинг мижози жуда ўзгача. Таълимнинг юқори даражаси, бой тасаввур, туйғу-ҳисларнинг мўл-кўллиги ва инсоний муносабатлардаги самимият... Гарчи унинг ёшлари ўзгараётган бўлса-да, ҳозирча ана шу ижобий фазилатларнинг ювилиб кетиш аломати кўринмайди. У Шарқ бўладими ёки Ғарб, бари бир уларни асраб, эҳтиёт қилиш зарур.

Қимматхон МАМАЖОНОВА

# ЯПРОҚЛАРНИНГ ЁРИШДИ ЮЗИ ...



***Қимматхоннинг энг сара сатрларида машрабона теран соддалик бор. Сўзлари — эркин. У ҳаётни айнан куйлаганида ҳам, бошқа биров кўролмаган қирраларини ёритганида ҳам нафаси табиий. Мураккаб ёзиш қийин эмас, жўн ёзиш ундан ҳам осон. Аммо табиий куйлаш учун истеъдод керак. Шеърият Қимматхон учун қурол эмас, балки ҳамдардлик воситаси экани сезилиб туради. Сочини Қорадарё ва Норин еллари силаган шоирамизнинг дилбар шеърлари фикримизнинг далолати бўла олади, деб ўйлайман.***

***Баъзи ўқувчилар "Жуда ҳаволатиб юборди, бир чертиб, сал ҳушёрликка чақирадиган жойи йўқ эканми" дейишлари мумкин. Қимматхон ҳормай-толмай, кўламни кенг олиб, дадил ижод қилаверса, унинг шеърларига ҳали кўп қайтамиз...***

**Ҳусниддин ШАРИПОВ**

### КУТИШ

Туннинг сочи оқарди бирдан,
Япроқларнинг ёришди юзи.
Ҳайратланиб самовий сирдан
Дарахтларнинг осмонда кўзи.

Майсаларни солар титроққа
Субҳимдамнинг сархуш нафаси.
Чалингандай бўлар қулоққа
Сиз қўймаган қадамнинг саси.

### ЯЛПИЗ

Нигоҳимни айлайди асир,
Яна у ён тушади излар.
Яшар, бағри тўла ажиб сир —
Сой бўйида унган ялпизлар.

Баҳор бир-бир улашганда гул,
Қўлларини чўзмас у ёлғиз.
На ғунчаси ва на гули бор,
Баргларида муаттар бир ис.

Фурсат ўтар изн сўрамай,
Кунлар кетиб борар изма-из.
Нигоҳларим қолар тутолмай
Қариганда гуллаган ялпиз.

### ГУМОН

Эски қудуқ бошидан яна
Қайтиб келдим, айтолмадим сир.
Тонгга қадар энди юлдузлар
Кўзларимга тўкилар бир-бир.

Нақ бўғзимга тиқилган дардим
Жим ютаман минг азоб билан.
Осмон, замин — борлиқнинг барин
Босиб кетар қуюқ ҳўл туман.

Сирларимга айлар-у банди,
Қайтаради ортига ҳар он
Соқов қудуқ тубида балки
Сотқин қамиш бор деган гумон.

